

IMPROVING THE SYSTEM OF EFFICIENT USE OF AGRICULTURAL LAND

F.Sh. Khudoiberdiyev

Bukhara branch of the Institute

Bo Bobozhonov,

Km Mukhamadov

Students of the 2nd stage of the Bukhara branch of TIKHMMI

Abstract: It is known that today the issue of meeting the needs of the population not only in one country, but also in the world for high-quality and environmentally friendly agricultural products, as well as ensuring food security is of paramount importance. Therefore, we need to organize the efficient use of agricultural land in the country.

Keywords: agrarian policy, irrigated lands, modernization, farms, irrigation facilities.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Ф.Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВ ТИҚХММИ

Бухоро филиали в.б.доценти

С.Ў.БОБОЖОНОВ,

Қ.М.МУХАМАДОВ

Бухоро филиали 2-босқич талабалари ТИҚХММИ

Абстракт: Маълумки, бугунги кунда нафақат бир мамлакатда балки, ер юзида аҳолининг сифатли ва экологик соф қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қолаверса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу боис республикаимиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этишимиз лозим.

Калит сўзлар: аграр сиёсат, суғориладиган ерлар, модернизация, фермер хўжаликлари, суғориш иншоатлари.

Кириш қисми

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг 9 декабрида қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида соҳани ривожлантириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан сўз юритар экан, энг аввало ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш, суғориш иншоотларини янгилаш, аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш, соҳага кенг кўламда техника жалб этиш, фермер хўжаликларида даромад ҳажмини ошириш, пахта ва ғалла экилаётган паст

рентабелли майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзор ва тоқзорлар барпо этиш каби жиҳатларга эътибор қаратди.

Шундай экан бу борада мамлакатимизда самарали аграр сиёсатни амалга ошириш, ўз навбатида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади:

-биринчидан тармоқда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида, тармоққа оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштириб бориш ва уларнинг ижро механизмини самарали ташкил этиш;

-иккинчидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулот етиштиришнинг пировардига кўра манфаатдорлигини янада ошириш, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ўртача таннархидан келиб чиқиб, харид нархларини (пахта, ғалла) белгилаш, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйишда молиявий имтиёзларни кенгайтириш;

-учинчидан, энг муҳими, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган, маҳсулот етиштириш имконини берадиган ерлар мутлақ миқдорининг чекланганлиги ва уни кўпайтириб бўлмаслиги, шунингдек қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида сифати ва унумдорлиги юқори бўлган қисмининг камлиги ўз навбатида ердан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимизнинг 44896,9 минг гектар умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 20174,0 минг гектар бўлиб, умумий ер салоҳиятининг 44,9 фоизига тўғри келади. Аммо, интенсив деҳқончилик фақат 4278,0 минг гектар ёки умумий майдоннинг 9,6 фоизга тенг суғориладиган ерларда олиб борилади, холос. Бу ерлар ҳар хил табиий қишлоқ хўжалик ҳудудларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитлар билан ҳар хил даражадаги ҳосилдорлик билан тавсифланади. Буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ерларнинг ҳолатини ва фойдаланишни доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва таҳлил қилиб боришни тақозо этади.

Ерларни ноқонуний ажратиш ва улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, жумладан, 2018 йилда 2 638 та ҳолатда 16 447 гектар майдондан ноқонуний фойдаланилган ҳамда 1 502 та ҳолатда 28 427 гектар экин ерлари ноқонуний ажратилган.

Ерлардан, айниқса суғориладиган ерлардан ноқонуний фойдаланиш, шахсий манфаати йўлида якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотларни қуриб олиш ҳолатлари ортиб бормоқда, жумладан, 2018 йил давомида республика бўйича 4 062 ҳолатда 622 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олинди, якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотлар қуриб олинганлиги аниқланган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда замонавий ресурстежамкор инновацион технологияларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратилмаяпти, жумладан, томчилатиб суғориш тизими бор-йўғи 43,1 минг гектар ёки жами суғориладиган майдоннинг атиги 1 фоизида жорий қилинган.

Республикаимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳам назарда тутилган.

Бугунги кунда аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан давлат назоратини кучайтириш зарур.

Фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланмаган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси тизимининг асосий бўғини ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш, бу жараёни такомиллаштириш ва жозибадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини, жамият ҳаётида тугатган ўрни ва табиий-ташқилий-иқтисодий ҳолатини инобатга олган ҳолда, унга инвестицияларни кенг жалб қилиш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида муҳим аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, хорижий инвестицияларни иқтисодиёт-га жалб этмасдан туриб, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқлар-да чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимиз-нинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум бўлишича, йилига 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғармалар ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизини ташкил этиши керак.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларнинг устувор ривожланишини таъминлаш орқали тармоқ барқарорлигига эришиш учун иккита стратегиядан фойдаланиш лозим. Биринчидан, бевосита ер-сув ресурсларини самарали истифода қилиш учун зарур моддий-техник базани замонавий техникалар билан жиҳозлаш, унумдорлиги юқори экинларни парваришлаш ва маҳсулдор чорва моллари боқини кенг йўлга қўйиш, шу тариқа юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш керак. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтирувчи хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур.

Хулоса: Ердан самарали фойдаланиш аввало, деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ҳамда уруғчилик ва селекция ишларини мақсадли ташкил этишга ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан амалиётда қуйидаги таклифлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда илмий асосланган деҳқончилик маданиятини жорий қилиш ва мунтазам равишда барча агротехник тадбирларни ўз муддатида ҳамда меъёр даражасида ўтказиш;
- ҳар бир қишлоқ хўжалиги ҳудудида ерининг хусусияти ва табиий-иқлим шароитига мос келадиган қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;
- юқори ҳосилдорликка эга бўлган, ҳар хил касалликларга чидамли бўлган уруғ ва навларни экиш ҳамда уларни тўғри парвариш қилиш;
- олдиндан қишлоқ хўжалиги ҳудудида етиштириб келинган паст ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан воз кечиш ва уларнинг ўрнига бозор талаби юқори бўлган сердаромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш;
- энг муҳими қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда инновацион ёндашув асосида ердан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Таклиф: Миллий бойлигимиз ҳисобланган ердан унумли ва самарали фойдаланиш бугунги ҳамда эртанги кунимизнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаси ҳисобланади ва буни ҳал этиш учун қуйидаги таклифларни амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ёппасига ҳар хил асоссиз сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги ерлари майдони ҳажмини қисқартиришга барҳам бериш;

2. Қишлоқ хўжалик ерларини давлат эҳтиёжи ва ижтимоий зарурият туфайли хўжаликлардан олиб қўйилганда келтириладиган зарар тўловларини қоплаш тизимини жорий этиш;
3. Ердан фойдаланиш тизимидаги ўзгаришларни, ер майдонлари миқдори ва сифатини кузатиб бориш учун давлат ер кадастри ва мониторингини талаб даражасида жорий қилиш;
4. Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
5. Ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш борасида давлатимиз томонидан мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётда ундан фойдаланиш;
6. Ердан фойдаланиш давомида экология қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазо чораларини ва тупроқ унумдорлигини оширганлиги, табиий ландшафтни сақлаганлиги ва яхшиланганлиги учун моддий рағбатлантириш механизминини қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент “Ўзбекистон” 2007
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПК-3318 сонли қарори.
4. «Ўздаверлойиҳа» илмий лойиҳалаш институти Бухоро бўлинмаси маълумотлари.